

# СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРАЙЛИК

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

## ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ


ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 35 (4494)

18 ФЕВРАЛЬ ЖУМА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.



▲ ТОШКЕНТДАГИ экскаватор заводидаги ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари СССР ташкил этилган кунига 50 йиллиги шарафига бу йил 1210 та экскаватор ишлаб чиқариш мажбуриятини олдиди. Суратда: корхона йиғув цехининг илгор слесарлари (чапдан) Рашид Хамроқуллов ва Анатолий Нам ўрғонлари кўриб турибди. Улар смена нормасини 110—120 процентдан адо этиб келишган.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

### БЎКА РАЙОНИДАГИ «ОКтябрь 40 ЙИЛЛИГИ» КОЛХОЗИНИНГ 1972 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Тошкент, область партия комитети Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг 1972 йил учун олинган социалистик мажбуриятларини бажаришни таъминлаш юзасидан белгилаган тадбирларини маълум қилади.

Район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари зиммасига ҳар бир колхоз, совхоз ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари бўйича 1972 йил учун олинган социалистик мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган тадбирлар комплексини ишлаб чиқишни топширди.

# МУЛ ҲОСИЛНИ КУЗЛАБ

### БЎКА РАЙОНИДАГИ «ОКтябрь 40 ЙИЛЛИГИ» КОЛХОЗИНИНГ 1972 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ

Февралга қадар ҳамма техника қўламга тайёр қилиб қўйилди. Экинчи қисм мuddатда ўтказишни мўлажал қилиб турибмиз. Экинчи бўлиқ биринчи туپроққа минерал ўғит ва гербицидлар ҳам солиб кетилди. Ана шундан сўнг бутун эътиборни чигирларни тўла ундириш оlishга қаратамиз.

Ғўзанинг дастлабки даврида нормал ривожланиш учун янагачаги вақтида ўтказиш мўҳим аҳамиятга эгадир. Ғўза икки-уч қин барг чиқаргач, 8—10 кун ўтгач, бу иш амалга оширилади.

Минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланиш ҳам ҳосилдорликни оширишнинг гаровидир. Ғўзани озиклантиришни агрохимия картограммаларига мувофиқ ўтказамиз. Шудорлаш вақтида ҳар гектар ерга 300 килограмдан суперфосфат солиниди. Кучли дараздада орқаб қолган 95 гектар ернинг ҳар гектарига 20 тоннадан маҳаллий ўғит солиниди. Вегетация даврида ҳам ғўзани бир неча озиклантирамиз. Бу ишни 10 июлгача тугаллаймиз. Ҳаммаси бўлиб 1972 йил ҳосили учун 3200 тонна маҳаллий ва 1800 тонна минерал ўғит ишлатилди.

Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бериш ва суғоришни намунали ташкил этиш ҳам мўл ҳосил тўланишини мўҳим омилдир. Ер шариғига қараб туپроқни намлантириб, 4—5 марта суғоришни мўлажаллаб қўйди. Туپроқни бир меърада ва сифатли намлантириш учун бу йил «ППА-165» суғориш агрегатини қўлланамиз, кенг қаторлаб экилган 100 гектар ердани ғўзани суғорамиз.

Ғўза зараркуналдарига қарши курашга алоҳида аҳамият берилди. Бу йил ана шу мақсадда фойдаланиш учун ОВХ—14 агрегатдан 3 тадини сотиб олдик. Училликларни химия қилиш бўйича ташкил этилган ойнак курсда агроном-эпидемиологлар ва тракторчилар ўқийдилар. Улар ғўзани дориллаш билан шуғулланидилар.

Бу йил теримдаги асосий оғирлик машиналар зиммасига юклариди. Барча майдондаги ғўзани узунасига ва қўндаланга парварши қилиб, ғўзани дефляцияни қилди. Буни икки ҳолатда: дастлаб ғўзаларда икки-уч қўсани оқилганда, сўнгра эса ғўзанин ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ўтказамиз.

Бу йил машиналар билан 3150 тонна ёки ялпи ҳосилнинг 90 проценти, 200 гектар майдондаги пахта кўл меҳнатсиз териб олинди. Албатта, терим ишларининг муваффақиятини ўттириш техника тайёр қилинганлигига боғлиқ. Бу ҳақда биз ўтган йили йнги-те-

рини тугаллашнинг билановқ қайғура бошлаганимиз. Қўндалан пахта терим машиналари ҳозирнинг ўндаёқ ремонтдан ўтказиб қўйилди. Пахта терим техникаси барча комплекс 20 августдан кечиктирмасдан тахт қилинди.

Утган йиллардагидек бу йил ҳам терим техникасини тайёрлашда, ҳосил йнги-теримда бизга оталиқ ташкилотлари — санаот корхоналари коллективлари ердан кўрсатдилар.

Колхоз мажбурияти, партия, касба союз ва комсомол ташкилотлари социалистик мусобақа шартларини пухта ишлаб чиқдилар. Ҳар 10 кунда бригадалар ўртасидан социалистик мусобақага яқин ясалди. Энг яхши бригадага кўчма Қизил байроқ топирилади ва бригада коллективни пул мукофоти билан тандирилади. Мусобақанин қандай борлигини деворни газетга ва радиоюзел орқали кенг ёритиб борамиз. Булар, албатта, бригадалар, эвено бошлиқларининг масъулиятини оширади. Колхозчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдан беради. Ўз навбатида колхоз раҳбарлари ва бригадалар ўз нормаларининг қандай бажарилаётганини ва сифатини пухта назорат қилиб борадилар.

Далада ишлаётганларга яхши маданият-маиший шароит яратиб беришга эътибор кучайтирилади. Бу йил 3 та тиловий дала шийони қурилади, болалик оналар учун алоҳида хоналар жиҳозлаб қўйилди.

Чорвачиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилади. Биз қишлоқ хўжалигининг бу мўҳим тармоқини ривожлантириш партиямиз томонидан совет кишиларининг моддий фаровонлигини янада ошириш юзасидан белгилаган программанинг бажарилишини аниқ белгиладим.

Чорвачиликни муваффақиятлар ривожлантириш учун ет-махак мўҳим ва ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам колхоз-миздаги ет-махак бригадаси аъзолари маккажўхори, давлага, беда экинлари ҳосилдорлигини ошириб, ет-махак экинлари ҳосилдорлигини анча қўндалтиридилар. Жумладан, беда ҳосилдорлигини 20 процент ошириш, ҳар гектардан кам деганда 110 центнердан беда оlishни мўлажаллаб қўйди. Ҳар гектардан 500 центнердан давлага, 400 центнердан маккажўхори кўкюраси олинди. Бу йил 440 тонна дағал ет-махак, 1800 тонна силос тайёрланди.

Сенаж тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Бу озқанин самарадорлигига ўз таъ-

рибамизда ишонч ҳосил қилдик. Сенажин моллар зўр иштаха билан еди, суттин қўнай-тиришда яхши омила бўлди. Бу йил шу ҳилдаги ишлар ет-махакдан 708 тонна тайёрланди. Ҳар бови молга ҳисоблаганда у 6,5 тоннаданга тўғри келади. Биз ўз таърибамизда ишонч ҳосил қилганимиздан, ширала ет-махакларини қўнайтиришнинг мўҳим резерви аралаш экинларни экишидир. Шунинг учун ҳам бу йил 15 гектар ерда маккажўхори ва давлагини қўшиб, 25 гектар ерда эса маккажўхори беда қўшиб экилади. Бундан шунини ҳам айтиш керакки, маккажўхори қаторлаб экилиб, оралари 30 сантиметр бўлади. Беда эса икки қаторлаб экиш усули билан маккажўхори қаторларига 10 сантиметр ораликда экилади. Ана шу мақсадда махусе жиҳозланган селкандан фойдаланамиз. Бундан ташқари, 20 гектар ерга дон учун маккажўхори экамин. Унинг ҳар гектаридан 40 центнердан дон оlishни мўлажаллаб қўйди.

Чорва наслини яхшилаш, махсуддорлигини оширишга ҳам эътибор қўйилди. Бу йил ҳар бови соғин сизгидан олинган суттин 3000 килограммига етказамиз. Ғўшга топирилади қорамол вақин 400 килограммига етказилди. Ҳар 100 сизгидан 90 тадан бузоқ олиш планлаштириб қўйилди. Чорвачилик махсудотлари етиштиришни қўнайтириш учун бу йил беш миңг товуққа мўлажалланган паррандачиллик фермаси қурамин.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, чорва моллари махсуддорлигини қўнайтириш, махсудот сифатини яхшилаш, ҳеч шубҳасиз, колхозимиз экономикасини мустаҳкамлашга ёрдан беради. Биз меҳнат уюмдорлигини ошириш, махсудот таннархини камайтириш, ҳар бир гектар ернинг колхозга максимал фойда келтиришини таъминлаш учун курашамиз. Беш йилликнинг иккинчи йилида хўжалиқда меҳнат уюмдорлиги 9 процент қўтарилади. Асосий махсудот ҳисобланган пахтанин таннархини ўтган йилдагига қараганда камда 10 процента камайтириш тадбирларини қўрамин. Бунинг учун мавжуд резервлардан фойдаланамиз.

Давлатга қишлоқ хўжалик махсудотлари сотишдан олинган дарамад бизга кенг қўлда маданият-маиший объектлар қурилишини йўлга қўйиш имкониятини беради. Бу йил клуб, колхоз правленесини биносини, меҳнатхонани фойдаланишга топширамиз.

Бу марралар бажарилиши мўкин бўлган марралар. Бу марраларни эгаллаш учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илгорлари таърибсини кенг омаллаштириш, фал ва техника ютуқларини, ҳақ хўжалигининг бошқа соҳаларида эришилган илгор усулларини кенг омаллаштириш талаб этилади.

Биз барча деҳқонларни резервларни қилириб топиш, улардан тўла ва унумли фойдаланиш учун бошланган курашга актив қўшилиб, Совет Иттифоқини ташкил топиш кўниг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани кенг қўламда авж олдиришга чақирамин.

БУ ТАДБИР КОЛХОЗЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ИНГИЛИШИДА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАБУЛ ЭТИЛДИ.

### ИТТИФОҚДА УЧИНЧИ

Ўзбекистон химия машина-созлиги заводи коллективни туққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида анча баракали меҳнат қилди. Йиллик топшириқ знедаси билан бажарилиди. Қўшимча юзларча миң сўмлик химия асбоб-ускуналари ишлаб чиқарилиди ва реализация қилинди. Коллектив, айниқса тўртинчи квартални яхши кўрсаткичлар билан якулади. Фидокорона меҳнат муносиб тақдирланди. Машина-созлар мамлакат химия машиносозлиги санаоти корхоналари ўртасидаги Бутуниттифоқ

мусобақасида яхши натижаларга эришдилар: улар учинчи даражали пул мукофотини оlishга муваффақ бўлишди. Корхона ишчи-хизматчилари бу ютуқларини янада мустаҳкамлаш учун янги йилда ҳам социалистик мусобақани авж олдиришди. Шу тўғрисида январь ойи учун белгилаган топшириқ удаланди. Шу қилларда эса йиллик топшириқини барвақт бажариш юзасидан зиммаларига олган соҳналик тик мажбуриятларини шараф билан адо этишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Кўйибез номли колхоз аъзолари туққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида гайрат кўрсатиб ишлаб, давлатга пахта, пилла, шол, чорва ва бошқа қишлоқ хўжалик махсудотлари сотиш йиллик планларини ошини билан адо этидилар. Ҳар гектар майдондан пландаги 23 ўрнига 32 центнердан ошириб «оқ олтун» етиштирилди. 3654 тонна пахтанин 2475 тоннаси «зангори кема»лар бункеридан тўйилди. Механизациядан унумли фойдаланиш, меҳнат уюмдорлигини юқори суръатлар билан ўсиши, мавжуд резервлардан тежаб-тежаб фойдаланиш натижасида етиштирилган махсудотнинг таннархи 1970 йилга қараганда анча камайди. Жумладан, бир центнер пахтанин таннархи 2 сўм 10 тийинга арзонлашди. Шу-

### ҚУВОНЧЛИ ЯҚУНЛАР

ингидек, бир центнер шол 6 сўм 13 тийинга арзонлашди. Ҳар бови сизгидан соғиб олинган сут сизларни даражада ортиди. Сут соғувчилар ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, ҳар бови сизгидан 1810 килограмдан сут соғиб оlishга эришдилар. Бу эса планда белгилаганидан 610 килограмм кўп, демекдир.

Колхозда деҳқончилик маданиятини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилётган азамат пахтакорлар кўп. Уларнинг номлари бизда ҳурмат билан тилга олина-

ди. Бригада бошлиқларидан Р. Арслонов, У. Исроқов, И. Чини-тошев, Ж. Сафаров шулар кўминдасидандир. Улар колхозда энг юқори ҳосил етиштиришга эришдилар. Шу билан бирга меҳнатларига ишраша юқори дарамад оlishга муяссар бўдилар. Масалан, Р. Арслонов бошлиқ бригада аъзолари 128831 сўм ўрнига 196396 сўм дарамад қилдилар. Шунинг ҳам айтиш керакки, колхоз ирвалесини ва партия ташкилотни колхозчиларнинг фаровон ҳаёт кечиринларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни тўла ҳал этиш учун кўп куч ва

### РАҲБАР ХОДИМЛАРИНИНГ УҚИШИ

17 февралда партия ва совет надрларини тайёрлаш республикаларо курсларида тингловчиларнинг янги гунашларида машғулотлар бошланди. Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон шаҳар, район партия комитетлари ва шаҳарлардаги район партия комитетлари биринчи секретарлари, компартиялар область ва марказий комитетлари бир қанча бўлимларнинг масул ходимлари ўқига кириндилар. Машғулотларнинг биринчи кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин ўқувчилар ҳузуринда пўтқ сузлади.

Тошкент, Сирдарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон район партия комитетлари инструкторлари ҳамда бошқа ходимларнинг областларо курсларида ҳам ўқиниб бошланди. (ЎзТАГ).

### ЭНГ ЯХШИ МЕХНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИГА МУКОФОТ

Бекобод цемент комбинатининг коллективни мамлакатдаги бинокорлик материаллари санаоти корхоналари орасида энг яхшилардан бири бўлиб жам чиқарган. Ўтган йил тўртинчи кварталдаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якулари бўйича унга СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроқи ва биринчи пул мукофоти берилади. Комбинат махсудотни реализация қилиш йиллик планини ортиги билан бажариб, топшириққа қўшимча равишда 16 миң тоннадан кўпроқ цемент, бир ярим миллион Партий тахта шифер, сал кам 74 шартли километр асбобетмент кувур ишлаб чиқарди.

Шу давр ичида планлар ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган кўрсаткичлари учун «Ўзбекшахтострой» трести билан Фаровандаги 14 қурилиш трестининг коллективлари ҳам СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроқларини ва биринчи пул мукофотларини оlishга муяссар бўдилар. Охангарондаги «Стройласт-масса» комбинати, «Глазташ-кентстройга қарашли 3-трест ва «Ферганасантехмонтаж» трестининг коллективлари тўртинчи кварталдаги иш якуларини бўйича Ўзбекистон СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроқлари ва биринчи пул мукофотларига сазовор бўдилар. (ЎзТАГ).

Ғ. ТОЖИБОВЕ, Оққўрғон району.



# ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ВА ЁШ КОММУНИСТЛАР

Партия ташкилотлари олиб бораётган иш савияси ва маъмули, белгилаган илм ва топириқларнинг муддатидан илгари бажарилиши, партиянинг таъсир кўрсатиши самарадорлиги кўпгина факторларга боғлиқдир. Булар, энг аввало, партия ташкилотининг киниларни партияга қабул қилиши, ёш коммунистлар билан ишлаш, партия ички демократияси ва партия ҳаётининг деярлик нормаларига яқин қилинишида ифодаси топади.

Оқдғарон районидagi Тошкент очкилик заводи партия ташкилоти бу соҳада бирмунча тажриба орттирган. Мухбиримиз завод партия комитети секретарининг ўринбосари А. Ф. Сергеев билан учрашди. У завод партия комитетининг партияга қабул қилини ва ёш коммунистларни тарбиялаш соҳасидаги тажрибалари ҳақида хикоя қилди берди.

Партия комитети олтин дех партия ташкилотидан иборат. Улар 132 коммунистни бирлаштиради. Шулардан 34 киши — ёш коммунист бўлиб, қучилиги ишлаб чиқариш илгорлари.

Биз ёш коммунистларни тарбиялаш юзасидан қандай тадбирларни амалга оширмақдамиз?

Аввало, шунинг айтиши керакки, партия комитети, секретарлар ва бюро аъзолари партияга қабул қилини истагани билдирганлар билан яқин-яқин суҳбатлашиб, узоқ вақт давомда уларни кузатиб, ишларини, жамоат ўртакда уларнинг қандай тутишларини, қандай ўрға-этиборга эга эканлигини ўрганадилар. Уларга партия топириқлари берилди, бу топириқларни бажаришда ёрдам кўрсатилди. Шу йўл билан бўлажак коммунистнинг ишчанлик қобилияти, характери, ҳуққ-атвори, активлиги ва бошқа хислатлари ўрганилади.

Партияга қабул қилиниши истагани билдирган ўртоқ ўзи ишлаётган участка партия группасига зарур хужжатларни ҳамда аризасини топириқдан сўнггина биз уни КПСС Устави ва Программаси билан таништиришни бошлаймиз. Бу тўғрисида дех партия ташкилоти умумий йиғилишига ҳам кўрсатилади берилди. Одатда КПСС аъзоллигига кандидатликка қабул қилини масаласини кўриб чиқиш дех партия ташкилотларининг очки йиғилишига ҳавола қилинади. Бундан мақсад партияга кирмоқчи бўлган ўртоқ ҳақида партиячиларнинг ҳам фикрини билдириш. Бу таъдбир катта ёрдам бермоқда. Ана шундай очки йиғилишларда коммунистлар билан биргаликда партиячилар активлар ҳам сўзга чириб, бўлажак коммунист ҳақида ўзларнинг фикрларини очки-обдин-обдин қиладилар.

КПСС XXIV съездида партия сафларининг сифат составини яқинлаш, коммунистларни тарбиялаш партиянинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда, партия сафларини бундан бўён ҳам яқинлашга қартибда пухта танилаб олиш асосида ишчилар сиёфининг, колхозчи дехқонларнинг, зиёлиларнинг энг муносиб вакиллари ҳисобига тўлдириб бориш зарур, деб қайд этилган. Биз ўз фаолиятимизда ана шу кўрсатмага ишчанлик билан амал қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Аризаларни кўриб чиқиш борасида белгилаган тартибимиз, юқориси айтганимдек, бизга катта фойда бермоқда.

Ўтган йили йил давомида 16 ички партияга жумладан, механик-авторлардан 8 киши, чорвалдорлардан 6 киши, КПСС аъзоллигига кандидатликка қабул қилинди. Уларнинг қўчилиги маҳаллий миллат ёшларидир. Етти киши партияга комсомол тасвисяси билан қабул этилди.

Партияга қабул қилинган ёшларнинг қўчилигини илгор аёлларимиз танили элади. Улар ишлаб чиқаришда авангардлик қилмоқдалар. Жумладан, Халима Нисомидинова. Сайра Халимово ва бошқа ёшлар ўтган йили сўз-сўз билан йиллик планларини ошириб бажариб, тўқтинчи беш йилликнинг иккинчи йилда ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар. Чунки

қиз киши техникум, олдин ўқув юртидада сирдан таълим олмақда. Уларда тўрт киши бу йил диплом олади.

Партия комитети ўзининг конкрет иш планига эга бўлиб, унда ёш коммунистлар билан ишлашнинг турли форма ва усуллари ўз ифодасини топади.

Партия комитети дех партия ташкилотларига доимий ёрдам кўрсатиб туради. Биз, айниқса, бригадалар, венолар ва ишлаб чиқариш участкаларида ишлаб чиқариш илгорлари ҳисобига партия ядросини кузайтиришга катта эътибор бермоқдамиз.

Марказий усадба ҳузуридаги партия хонаси ва барча бўлимларда ва кутубхонада «Ёш коммунист бурчаги» ташкил этилган. Бу ерда ёш коммунистлар ўзларнинг голий-сиёсий билимларини ошириш учун керакли бўлган адабиётларни топа олади.

Кандидатлик даври — ёш коммунистнинг синов давридир. Партия комитети ана шунинг ҳисобига олиб, ёш коммунистларга оталиқ ёрдамни ташкил этган. Ёш коммунистларга тажрибали, малакали, қўпни кўрган кекса коммунистлар бириктириб қўйилди. Улар ёшларнинг голий-сиёсий шанланниши, умумий билим даражаларини оширишларида, ишлаб чиқариш малакаларини тақомиллаштириб боришларида доимий ёрдам кўрсатадилар. Масалан, коммунистлардан В. А. Хохлов ёш коммунистлардан С. Бойбўриев, Ж. Бердикулов ўртоқларга бириктириб қўйилган эди, улардан қўчилиги келган ёрдамнинг аямали. Ёшлар билан ҳамназа суҳбатда бўлиб, масалаҳатлар берди, кишлоқ хўжалик техникумига киришга тайёргарлик кўришда катта ёрдам берди. Ҳозир ҳар икки коммунист техникумининг сиртин бўлимларида муваффақият билан ўқимокда.

Коммунист И. М. Семенов эса ёш коммунистлардан Ванюшин, Жумабоев, касоб ўртоқларга кўчилиги келган вақт ишда комбайнчилик хунарини эгаллаб, ўтган йили ўзини мавсумиди социалистик мусобақа голиби сифатида ҳурмат қозондилар.

Улар Ватан уруши қатнашчиси, шахсий пенсионер Абдулов ёш коммунистлар ўртасида тез-тез суҳбатлар ўтказиб туради. У ўз суҳбатларида ёшларни ота-боболаримизнинг революцион анъаналарини давом эттиришга даъват элади. Ўзбекистонда Совет ҳокимияти ўрнатилиши ва Улғу Ватан уруши йилларида қаҳрамонлик кўрсатган коммунистлар ва комсомоллар ҳақида хикоя қилиб беради.

Партия комитети ҳузурида ёш коммунистлар мактаби ишлаб турибди. Бу мактабга тажрибали коммунист, 1943 йилдан бўён КПСС аъзоси, завод партия комитети аъзоси Е. А. Ефимов раҳбарлик қилмоқда.

Мактабда ҳар ҳафтада бир марта икки соатдан машғулот ўтказилади. Машғулотларда КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумлари материаллари ҳамда КПСС Устави ва программаси ўрганилади.

Партия ташкилоти КПСС XXIV съезди белгилаб берган улғувор программани ҳаётга таъбиқ қила бориш учун бундан бўён ҳам, ўзининг жанговорлиги қобилияти-ни ошириш учун курашаверади. Биз бундан бўён ҳам партия кўрсатмаларига амал қилиб, партияга қабул қилини ва ёш коммунистларни тарбиялаш соҳасидаги ишчанлик ишчанлик тиймавий ахшиллаб бораемиз. Бунинг учун бошқа партия ташкилотлари тўплаган тажрибалардан ҳам фойдаланамиз.

# ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон ёш ижодий ҳодимлари биринчи республика кенгаши ўз ишнини тугатгач, унинг қатнашчилари группаларга бўлиниб, республика областларига жўнаб кетдилар. Ҳамда ёш ишчилар, колхозчилар, интеллигенция олдида ижодий ҳисоботлар бердилар.

Ана шу группалардан бири пойтахт области бўйлаб сафарга

чиқди. Бу сафар натижалари ҳақида групп раҳбари, Тошкент области комсомол комитетининг секретари А. Т. Тўрахонов қўпни, дағилари айтди:

— Тўрт кун мобайнида ижодкор ёшлар группаси областимизнинг турли жойларида бўлди. Кишлоқ хўжалик институти студентлари, 18-профессионал-техника билим юрти, Янгиўлдagi кондитер-лачтинги бирлашмаси

комсомоллари билан учрашувлар бўлди. Ижодкорлар Урта Чирчиқ районидagi Куйбисhev номи колхоз ёшлари ҳаётини билан танишди, шунингдек, Бўстонлиқ районидagi чинданган «Коммунизм учун» газетаси коллективининг меҳмони бўлишди. Групп бундан шунчаларнинг Чорвоқ ГЭС инжандорлари билан учрашуви узоқ вақтгача эсда сақланиб қолади.

Ёш ижодкорлар ўз режалари билан ўртоқлашдилар, концерт номерлари билан чиндилар, оталиқ ёрдами кўрсатишга қарор қилдилар.

Сафар тугатгач, области комсомол комитетидagi учрашуви бўлди. Ижодий групп аъзолари области комсомол комитетининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

▲ ТОШКЕНТ ДАГИ ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Илмий-тектириш ва лойиҳалаш институти қошида, окустика лабораторияси ташкил қилинганга тўрт йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Лабораториянинг асосий мақсади — архитекторларга бино қурилишларида қўпайиш яратишдир. Суратда: катта инженер Дилбар Абдурахмонова ва катта техник Умар Аҳмедов ўртоқлар иш устида.

Л. Глауберзон фотоси.



## ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИ БИЛАН СУҲБАТ

да бўлиш туфайли қўпайиб ёқили ва мобил материаллари тежалди. Шунинг учун ҳам улар совхоз маъмурияти томонидан пул муқофоти билан тақдирландилар.

Дех партия ташкилотлари ёш коммунистларни голий-сиёсий таълим, меҳнат активлигини ошириш соҳасида тиймавий таълим қилмоқдалар. Бунинг учун партиянинг ишчанлик турли хил форма ва методларидан фойдаланмоқдамиз.

Айниқса, «Серго» номи бўлиб партия ташкилоти иш тажрибаси ўртак бўларлидир. Ўртоқ Эрмат Жўраев партия бюросига секретарлик қилаётган бу бўлимда деярлик барча ёш коммунистлар ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишда актив иштирок этмоқдалар. Уларнинг деярли ҳаммаси партия топириқига эга. Ёш коммунистлар сиёсий ташкилотчи, сиёсий ахборотчи, агитатор сифатида омма ўртасида катта тушунтириш ва ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Шунингдек, улар партия мажлисларини тайёрлашда, қарорларнинг ижросини текширишда ва бошқа жамоат ишларида актив қатнашадилар.

«Октябрь» бўлими, Марказий ремонт устaxonаси партия ташкилотлари ҳам ёш коммунистлар билан ишлаш соҳасида бирмунча тажриба тўпладилар. Айниқса, уларда ёшларнинг ўқувини ташкил этиш, уларнинг малакасини оширишга катта эътибор берилаетир. Тўқ

## ИШЧИ-ЁШЛАР ҲУЗУРИДА

Пойтахтдаги 40-хунар техника билим юртида бўлиб, унинг ҳаёти билан танишганимизда, бу ерда таълим олаётган ишчи-ёшларнинг турли соҳаларда пухта хунар эгаллаётганликларини кўрдик.

— Билим юртимиз, асосан халқ хўжалиги ва саноат корхоналари учун малакали ишчи-мутахассислар тайёрлаб беради, — дейди техникум директори Оди Музаев. — Техникумимизга қабул қилинган ўқувчилар бир-бири билан жаранбанд дураторлик, елесарлик, шоферлик касбини эгаллаб олади.

Техникумда ёшларга 35 дан ортиқ ўқитувчи ва мастерт хунар сирларини ўргатоқда.

— Яқинда билим юртимиз коллективини ўзининг 30 йиллик юбилейини нишонлади, — деб гапда давом этди Оди Музаев. — Бу юбилейга билим юртимиз аъзолари катта ютуқлар билан келди. Ҳар бир ишчи-ёш ўқувчи йили давомида ўз хунари бўйича барча фанларни пухта эгаллади. Ўқитувчилар коллективини, практик машғулотлар олиб борушчи мастерларнинг раҳбарлигида ишчи-ёшларимиз учинчи беш йил давомида халқ хўжалигини учун зарур бўлган буюмларни ҳам ишлаб чиқардилар.

Ҳақиқатан ҳам билим юртининг ҳаёти билан танишган ҳар бир киши бу коллективнинг иборати ишларидан мамнун бўлади. Тарбиявий ишлар бу ерда ахши йўлга қўйилган. Ишчи-ёшларнинг пухта билим олишлари учун ҳамма шарт-шароит мавжуд, уларга тажрибали мутахассислар бириктирилган.

— Билим мақсадининг, — дейди сўзини якувлар этган Оди Музаев, — зафардаст ички сиёсий умум ҳар йили етук ёш ишчиларни етказиб беришдир. Ана шу олий мақсад бизни доимо ахши ишлаш, ёшларга хунар сирларини пухта бериб боришга даъват элади.

Ф. ИСАЕВ, Ф. АБДУРАСҲУЛОВ.

## САВДОДА ИШЛАШ УЧУН

Бўстонлиқ район матлубот жамияти магазинларда ишлаш учун ҳодимлар тайёрлайдиган 6 ойлик курс оқди. Бу курсда шу кунларда 30 нафар қизлар

ўз танилаган касблари бўйича билим олишмоқда.

Н. ФАЙЗУЛЛАЕВ, жамоатчи мухбир.

## КОЛХОЗ ҚУРИЛИШИГА СИФАТЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Юдори Чирчиқ районидagi «Ленинский путь» колхозининг маҳкамий кишлоқ хўжалик ширкати шаҳарни еслатади. Бу ердаги турар-жой бинолари, маҳкамий-машинарий муассасалар, матъурий-хўжалик иморатлари дид билан қўйилган. Чунки архитекторлар соддаланин гузаллик, истикомат қилиш учун барча қўпайишларини арзон ҳаракат билан уйғунлаштириб юборишган. Шу сабабли ҳам қўпайиш қишлоқларнинг аҳолисини унч ҳавас билан томоша қилдилар. Меъморчиликнинг бу ижодий иши Бутуниттўғроқ халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг медали билан тақдирланди.

Колхоз правленисини ўз қишлоқларини қайта қуриш ишларини янада кенгайтирмоқчи. Яқинда институтимиз коллективини колхоздаги Ленин номи посёлка учун яна бир лойиҳа тақдим этди. Бу лойиҳачиларимиз кишлоқ посёлкалари учун ишлаб чиққан 66 та бош планнинг биридир. Мақсади миз яқин уч йил мобайнида барча колхозларга илмий асосда шундай бош планларни тайёрлаб беришдир.

Институтимиз ўтган йили ташкил этилди. У республикамизнинг энг кенга лойиҳалаш ташкилотидир. Чунки, тўқтинчи беш йилликда республикамиз колхозларида капитал қурилиши учун уч баравар кўп маблағ ажратилиши мўлжалланган.

Янги беш йилликнинг биринчи йилида институтимизнинг барча бўлими ва бўлимлари томонидан 1.7 миллион сўмлик лойиҳалаш-қурилув ишлари амалга оширилган бўлса, 1975 йилда бундай ишлар ҳажми икки баравардан зиёд қўпайди. Фақат шундай қилингандагина лойиҳалаш ишларининг ишлоқ қурилиши суръатларидан орқада қолишни бартараф этиш мумкин бўлади. Илгари колхозлар учун лойиҳаларни қатор ташкилотлар тайёрлаб беради, аммо уларнинг бирортаси ҳам бу ишга ихтисослашмаган эди. Республика кишлоқ хўжалиги министрлиги ҳузурида институтимизнинг ташкил этилиши бундай аҳволга хотима беради.

Коллективимиз кишлоқ посёлкалари ҳам планларини ишлаб чиқаришда ташқари Ириш-Ириш чорвачилик комплексларини ҳам лойиҳалаш билан шугулланади. Бундай комплекслар қуриш бизда кенг қўламда бошлаб юборилди. Шимолий районлар учун мўлжалланган типовой лойиҳалар эса республикамиз шароити учун мавжуд тушмайди. Бунинг устига, лойиҳа хужжатларини тайёрлаш муддатлари жуда қисқарди. Шуларнинг ҳаммаси оммамизга катта маъсулият қўлади.

Институтимизнинг ёш коллективини бундай қийинчиликларни енгиб, лойиҳаларни бинокорларга ўз муддатда етказиб бериш мумкин эканлигини исбот қилди.

Биз аввало бюртманчилар билан ҳамкорликни мустаҳкамлади. Улар билан келишиб, коллективини таълим этувчи объектларнинг шайс бири қачон қурилиши лозимлигини аниқлади. Бу лойиҳачилар учун ҳар бири 1200 сирга мўлжалланган учта сўз комплекслари лойиҳачиларни тайёрлаш имконини берди. Бундай комплекслар Янгиўлд районидagi «Янгибод», Свердлов номи ва «Путь XXIV съезди» совхоз-

ларида қурилади. Бу объектларда 1972 йилда амалга оширилган барча қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг ишчи чиндилари ўз вақтида етказиб беришди. Коллективининг бошқа объектлари учун техника хужжатлар шу йилнинг биринчи ярмида тайёрланади.

Биз қўпайиш фермаси учун ҳам лойиҳалар тайёрлашга киришилди. Замонавий, барча жараёнлари механизацияланган бундай ферма Бекобод районидagi қад кўтарди. Уни лойиҳалашда тўплаган тажриба худди шундай яна олтинта ферма қурилишини лойиҳалашда қўп қолди.

Кейинги йилларда паррандачилик соҳасида катта ўзгариш юз берди. Илгарики майда-чуйда диққатнафас товуқхоналар ўрнига 6 ва 10 мнговуқ боқшига мўлжалланган фермалар барпо қилинмоқда. Биз Тошкент области колхозлари учун 9 та ана шундай йирик механизацияланган ферма лар тайёрлаб бериш нијатидамиз. Бундай фермаларда туҳум етиштириш бири, ярим баравар ортгани ҳолда хизмат қилувчилар штати икки баравар қамаяди.

КПСС XXIV съезди қарорларида кишлоқ аҳолисининг турмуши даражасини қартомиллаш яқинлаш назарда тутилган. Кишлоқларда қўпайиш маҳкамий-машинарий муассасаларни қўпайтириш, обод ва қўпайиш уй-жойлар қуриш мўлжалланган. Аниқ вақтда кишлоқ жойларда таъсир бўлган мактаб-гача ёшлари болалар муассасалари тармоги кенгайтирилди. Бу йил шу мақсадда ҳар бири 90 ва 140 ўқилли 105 та болалар боғчалари ва ясиллари учун лойиҳалар тайёрлаб бериш нијатидамиз.

Институтимиз янги-Шунинг учун ҳам дастлабки даврларда жуда кўп муаммолар ва қийинчиликларнинг содир бўлиши табиий. Лекин, қўпайиш тутаётган нарсаси иш жойларининг етиштиётганлигиндир. Хизмат хоналарида ҳар бир лойиҳачи ҳисобига ўртача икки квадрат метр иш майдонини тўғри келмоқда. Норма бўйича у 6 квадрат метрни ташкил этиши керак. Шахсий уйлари филиаллар учун ижорага олиш, айрим техникларнинг уйда ишлашга ўзқилиши ҳам аҳолини енгилаштирмади. Бош институтимиз Тошкентнинг қарам-қарши томонига жойлашган. Бу ҳам ишга салбий таъсир қилапти. Автортраспортнинг етиштиётганлиги ҳақида айтиб ўтиш керак. Натигада кишлоқ объектлари қурилиши устида авторлик назорати олиб боришда ҳам қийинчиликлар туғилмоқда.

Лекин, лойиҳачиларимиз бундай қийинчиликларга қарамай самарали ижодий изланиш олиб боришга қатъий аҳд қилганлар. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, тўқтинчи беш йил мўлжалланган лойиҳалаш-қурилув ишларини планини муддатдан илгари — 25 декабрда бажариш мажбуриятини олдик.


Коллективимиз бу хўжалик йилнинг ҳам ўз фаолиятини барчила кўрсаткичлари бўйича самарали якувлар учун ҳамма имкониятларини ишга солади.

А. МАҚМАМОВ, «Ўзгипросельхоз» институт директори, техника фанлари кандидати.

## ОБОДОНЛАША-ЭТГАН СОВХОЗ

1-«Оқдғарон» совхозини марказида ишчилар учун турар-жой ва маҳкамий-машинарий бинолар қурилиб, фойдаланишга топирилмоқда. Совхознинг 1-бўлимида қурувчилар учун паррандачилик фермаси, 200 бош қорамол мўлжалланган молхона ва бошқа биноларини соддаланиш ремонтдан чиқариб беришди. Яқинда совхозининг ўзида 50 ўқилли касалхона, алоқа пункти ишга туширилди.

Шу кунларда совхозда янги теллица қуриляпти. Қурувчи-лар совхоз ишчилари учун иккита намунали дала шийбонини қуриб беришни ҳам ваъда қилишди.



● АНАТОЛИЙ АЛЕКСАНДРОВ Тошкентдаги экскаватор ремонт заводида бир неча йилдан бўён фидокорона меҳнат қилдиб келяпти. Тўқтинчи беш йилликни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган илгор тоқарь емена нормасини 130—140 процентдан уздади, ҳамкасбларига ўртак бўлиб келяпти. У коммунистик меҳнат зарбодори деган юксак ном эгаси. Суратда: А. Александров иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

## «ЗАНГОРИ ОЛОВ» — ХОНАДОНЛАРГА

Урта Чирчиқ, Оқдғарон, Бўжа ва бошқа районлар аҳолиси «зангори ёқил»дан баҳраманд. Оқдғароннинг ўзида 2000 дан ортиқ хонадон қураштиради. Район марказидаги жамоат бинолари, турар-жойларда табиий газдан фойдаланишмоқда.

Бу йил Свердлов номи, Димитров номи, «Москва» ва «Ленинград» колхозларига ҳам табиий газ қувурларини ўтказиш мўлжалланмоқда. «Ўзбекистон ССР беш йиллик» таъриб хўжалиги ишчи ва хизматчилари ҳам бу йил «зангори олов»дан баҳраманд бўладилар.

## ИШЧИЛАР ШИФОХОНАЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

1975 йилга бориб Ўзбекистондаги санаторий-профилакторийлардаги ўринларини икки баравардан зиёд қўпайтириш белгиланди. Республика касабасоюзлари, Совети шу ҳақида қарор қабул қилди. ЎЗТАГ мухбирининг илтимосига қўра, Усовбир секретари, медицина фанлари кандидати Н. М. Маҳмудова шу қарорни шарҳлаб берди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам касаликларнинг олдини олиш ва даволаш ишларини бир бутун қилиб олиб боришнинг катта системаси амалга оширилмоқда. Бу иш ҳолининг сўхат-саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак. КПСС XXIV съезди Ди-

ректорларига биноан тўқтинчи беш йилликда бу ишнинг миқдоси ағча кенгайтирилди.

Саноат ва транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлардаги санаторий-профилакторийлар тармоғи меҳнатчилар сўхат-саломатлигини қурилуш соҳасидаги умумдавал тадбирларнинг тарбиявий қисми бўлиб қолмоқда. Ана шу профилакторий муассасаларининг иши турли касалликлар бошланғич формаларининг олдини олишга ва одамларни соғомлаштиришга қаратилган. Уларнинг санаторий-курорт муассасаларида асосий фарқи шунки, бу ишчилар, хизматчилар, колхозчилар комплекс санато-

рий шифоси билан таъминланганлар ва ишдан бўш вақтларида даволанадилар. Бундай даволаш меҳнат отпускани пайтавда эмас, балки ишдан кейинги бўш вақтда амалга оширилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг қўпгина меҳнатчилари ўз сўхат-саломатлигини мустаҳкамлаб олиш учун ишлаб чиқаришдан четда қолмайдилар, узоқ жойлардан қурортларга бориш учун чинидор бўлмайдилар. Бу санаторийлар корхонанинг енгинасиди бўлади.

Кейинги йилларда республикада бундай шифохоналар бир ярим баравар қўпайди. Ўтган йилнинг ўзида 30 минг киши шу жойларда ўз соғлиқ-

ларини яқинлаб олди. Ҳар бир киши йўллама ҳақиқий климатининг 30 процентини тўлдирди, қолган қисми социал-страхование фондидан тўланади. Касаба союз комитетлари ўз ихтиёрлари билан йўлнамаларининг бешдан бири қисмини текин берадилар.

Санаторий-профилакторийларини янада ривожлантириш, уларнинг ишнини яқинлаш ва даволаш процессининг самарадорлигини ошириш умумдавал аҳамиятига эга бўлган ишдир. Шу сабабли касаба союзларига эмас, хўжалик ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш органлари ҳам бу ишга эътиборни қўпайтиришлари лозим.

(ЎЗТАГ).



# КАНОП ЕТИШТИРИШНИНГ МУҲИМ РЕЗЕРВЛАРИ

Ўтган ҳужалик йилида Оқдўғон районидagi Ленин номидаги колхоз деҳқонлари катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. 1980 гектар каноппой майдонидан 19836 тонна қимматбах «қўн олтин» олинди, ҳосилдорлик гектарга 183,7 центнерга етди.

Колхоз дуборлари алмашлаб экиш мўл ҳосил гарови эналганини яхши тушунадилар. Ҳужаликда пахтадан каноппой — макнажҳори билан алмашлаб экиш яхши йўлга қўйилган. Ўтган йили 40 гектар бедазор ўрнига экилган ка-

нопдан 210 центнердан ошириб ҳосил олинди. Бу — павандадан 50—60 центнер кўп.

Шунингдек, макнажҳори ва пахтадан алмашлаб экиш ишлари ҳам намунали олиб борилмоқда. Шу тўғрисида каноппой ҳосилдорлиги тобора ортмоқда. Ўтган беш йилликда каноппой етиштириш 1697 тоннага ошди. 1970 йилда 50—60 процент каноппой юқорига тошқинланган бўлса, ўтган йили 75—80 процент ҳосил биринчи сурталга тоширилди. Ҳосил сифати яхшиланаётганини тўғр-

ли даромад ҳам кўпайпти: ҳужалик каноппойнинг ўзидан 3 миллион 446 минг сўм даромад қилди.

Колхозда каноппойнинг резервларидан унумли фойдаланиб, юқорига ҳосил кўтарайтган бригадалар билан бир қаторда бу соҳада камчилиги йўл қўётган бригадалар ва венолар ҳам бор. Ўтган йили Ли Мин Су, Хан Тимофей, Ким Федор бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 150 центнердан ошмади. Агар колхоздаги шу бригадаларда ҳосилдорлик юқори

бўлганда, бу умумий хирмонга яна 644 тонна «қўн олтин» қўйилган бўлар эди. Шунингдек, бу бригадаларда ҳосил таннари ҳам юқори. Бир тонна каноппой 70 тўғрига тушганлиги ҳисобга олинса, колхоз шунинг ўзидан 108,5 минг сўм даромад йўқотганлигини кўради.

Кўпгина бригадалар ўзим-ўзим пайтида дуб толасининг сифатига алоҳида эътибор бериб, яхши натижаларга эришмоқда. Ҳосил сифатига эътибор қилмаёт-

ган Ан Филипп, Де Александр, Хе Сен Дек, А. Чубоевлар бошлиқ бригадаларда эса ҳосил таннари юқори бўлган.

Каноппой ҳосилдорлигини оширишда асосий роль ўйнайдиган минерал ўғитдан фойдаланиш турли даражада. Колхозда бир килограмм минерал ўғит ҳисобига 27 килограммдан ҳосил етиштирилди. Ли Вильгельм бошлиқ бригадаларда 30 килограммдан, айрим бригадаларда эса колхоз даражасидан ҳам пастр ташиб кетган. Ко Ир Чу бошлиқ брига-

дада атиги 17—18 килограммдан ҳосил олинган.

Юқоридagi фактлардан кўриниб турибдики, минерал ўғитдан тежаб-тегаб самарали фойдаланган бригадаларда ҳосилдорлик ортиб бормоқда.

Колхоз дуборлари ўтган ҳужалик йилини муносиб ахтирлаб, эришилган муваффақиятлар, йўл қўйилган камчиликлари атрофида муҳоама қилмоқдалар. Дуборлар бу йил давлатга 17344 тонна каноппой, 2090 тонна пахта ва бошқа қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилишди.

**А. МАЪДИЕВ,  
В. ИҶДШЕВ.**

## ХАЛҚАРО КИТОБ ИЛИГА

# КИТОБ-ҲАММА УЧУН

Совет Иттифоқининг таълифи билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО ташкилати 1972 йили Халқаро китоб йили деб эълон қилди. Бу йил «Китоб-ҳамма учун» шiori остида ўтади.

Халқаро китоб йилини ўтказиш идеяси жуда кўп мамлакатларнинг илгор жамоатчилиги томонидан ҳайрихоҳлик билан қутиб олинди ҳамда ушбу ўтказиш бўйича миллий ердан комитетлари тўзилди. Шунингдек, Болгария ва Кубада китоб кўргазмалари, Польша, Италия ва ГДРда халқаро китоб ярмаркалари ўтказиш мўлжалланди. Москвада эса СССР таълифи билан ЮНЕСКО «Китоб—тинчлик, гуманизм ва тараққиёт ҳизматида» мавзусида сампозум ўтказилди.

Жаҳон тарихида биринчи марта ўтказилган бу катта байрамнинг ташаббускори бўлган китоб йили айниқса кенг нишонланади. Аввало, мамлакатимизда Бутуниттифоқ ва республика китоб кўргазмалари, ярмаркалари, ойлиқлар, ҳафталиклар, китоб-хоилар конференциялари ўтказилди. Москвада ва Тошкентда Осн ва Африка мамлакатлари кутубхона ходимларининг катта анжуманлари ташкил қилинди.

Совет халқлари Халқаро китоб йилини эър фахрларини туйғуси билан нишонлашга ҳақлиқлар. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, СССР тарихида адабиети нашр қилини бўйича жаҳонда биринчи ўрни эгаллайди. Бизда ҳар йили мамлакатимиз халқларининг 89 тилида ва 56 чет тилида китоблар чiqарилмоқда. 200 дан ортқ китоб нашриётлари ҳар йили 75 минг номда бир миллион 300 минг нусхада китоб ва брошюра чоп қилади.

Халқаро китоб йили бошланди. Ҳозир дастлабки оммавий тадбирларни ўтказишга тайёрлик қизғин борапти. Бу тадбирлар давримизнинг энг илгор таълимоти—марксизм-ленинизмни қенг тарғиб қилишнинг кудратли воситаси, билим манбаи, ақл чирғи бўлмиш китобни халқимиз орасига янада кенг ёйиш, уни пропаганда қилиш, мамлакатимиз ҳамда жаҳон халқларининг мадавий ҳамкорлигини тағин ҳам кенг ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшади.

**И. СУЛТОНОВ.**

## ФИЛОСОФИЯ БИЛИМЛАРИ — ЁШЛАРГА

КПСС XXIV съезди совет халқини марксизм-ленинизмнинг «буюк ғоялари билан ҳар тарафлама курашлантириш лозимлигини алоҳида ўтирди. Партияимизнинг бу курсатмаларини амалга ошириш ва турмушга табиқ этишда меҳнатшарлар, айниқса ёшлар орасида марксизм-ленинча фалсафа билимларини ўқишнинг муҳим аҳамият касб этади.

Шундай экан, ёшларда илмий материалистик дунёқарашни шакллантиришда асосий роль ўйнавчи марксизм-ленинча фалсафанинг ўқитувчилари зиммасига масъулияти юзага кўйлатилган. Бу фани ҳозирги талабалар ўқишнинг ўзи чукўр назарий билим ва педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим.

Биз баъзи ўртоқларнинг «фалсафа — илмий фан», деган фикрига қўшилмаймиз. Ҳамма — тап ҳар бир фан ўқитувчиси ўз фанини чукўр билиш билан бирга студентларга яхши билим бериши, ўз фанига қизиқиш уйғотиши ва шу асосда мустақил ишлашга ўргата олишлари.

Тўғри, марксизм-ленинча фалсафа фанининг ўзига хос хусусиятлари ва методикаси борки, буларни чукўр билиб олиш ва амал қилиш фалсафадан дарс берадиган ўқитувчи ва пропагандачиларнинг биринчи галдаги вазифасидир. Ана шу жиҳатдан Тошкентдаги Иттифоқ аҳмиятига — эга бўлган илмий фан ўқитувчилари малакасини ошириш институти фалсафа кафедраси ўқитувчилари томонидан экилган «Марксизм-ленинча фалсафани ўқиш методикаси масалалари» деган қўлланма муҳим аҳамиятга эгадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу китоб фақат олий ўқув юртининг илмий фан ўқитувчиларига эмас, ўрта махсус ўқув юртинларининг илмий фан ўқитувчиларига, шунингдек, фалсафадан машғул олиб борувчи кўп сонли пропагандачилар учун ҳам методик қўлланмадир.

Китоб фалсафа кафедрасининг мудир профессори Х. Расулнинг «Эбенистон олий ўқув юртинларида марксизм-ленинча фалсафа ўқиш методикасини илмий асосларини ишлаб чиқин сари» номи мақоласи билан бошланади. Китобнинг умумий моҳияти асосан шу мақолада «Э» ақсини топган.

Профессор илмий фанларни ўқишнинг тўғрисида партия ва давлатимизнинг қилаётган гамхўрли-

ги, бу фанлар ёшларда илмий материалистик дунёқарашни шакллантиришда катта роль ўйнаётганини ҳақиқатан одамларни назарий ва методик тайёрғарлига боғлиқдир.

Китобда тўғри таъкидлагандек, фалсафани ўқишнинг методикаси масалалари иттифоқ миқосида ҳам, республикада ҳам ҳали етарли даражада ишлаб чиқилган эмас. Шу маънода мазкур китоб бу соҳадagi дастлабки тадқиқотдир. Унда авторларнинг марксизм-ленинча фалсафа ўқишдаги кўп йиллик бой тажрибалари умумлашган.

## КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Марксизм-ленинча фалсафадан ўтказилган машғулларнинг формалари хилма-хил бўлиб, бири иккинчисини тўдирлади. Машғул формалари орасида лекция асосий роль ўйнайди. Лекция ўқийдиган ўқитувчиларни танлашга алоҳида эътибор берилиши ҳам шундан келиб чиқади. Мазмундор лекция тингловчиларда фанга қизиқиш уйғотади, мустақил фикрлашга ўргатади, илмий материалистик дунёқарашни шакллантиради ва уларда марксизм-ленинча назарий ишонччи мустаҳкамлайди.

Аммо, тўпلامга киритилган ўзaro таъсир категорияси ҳақидаги мақоланинг бу методик қўлланмага алоқаси йўқ. Методик қўлланманинг невинги наширида ушбу мақола билан алмаштирилган ҳолда ҳозирги талабаларни ҳисобга олиб, ўзбек тилида нашр қилиниш истар эдик.

Умуман, китоб, айниқса ёш ўқитувчилар, лекторлар учун катта фойда келтирадиган муҳим қўлланмадир.

**Х. ЖАЛИЛОВ,**  
Тошкент Давлат университети фалсафа кафедрасининг доценти.



Тошкент паррандачилик фабрикасининг илгор товуқ боқари Муҳаббат Саримсоқованинг номи хамма хурмат билан тилга олади. У, товуқлар маҳсулдорлигини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилапти. Улар паррандачиликнинг яхшилаётганлиги тўғрисида қўллаб-тўхум олишга эришмоқда. Ҳозир Муҳаббатнинг қарамоғида 27000 товуқ бор. Кунига у 14000 дондан ортқ тухум тоширмоқда. Суратда: пешкада товуқ боқар М. Саримсоқова иш устида.

## СИЗЛАР УЧУН, ОПА-СИНИГЛАР

Тошкент зарғарлик фабрикасининг коллектив хабар бериши билан китоб олишга одатланган. Анъана бу йил ҳам давом этмоқда. Корхона ахли бешилликнинг дастлабки йили план тошириқларини 101,5 процент удадаланган бўлса, бу йилги кўрсаткичлари ҳам чакки эмас.

Айниқса, алюминий деҳи

коллективи юқори натижаларга эришмоқда.

Цехда тайёрланаётган «Лоджа», «Юлдузча», «Ананас», «Чус» каби зирақлар, «Бухоро», «Самарқанд», «Гўри Амир» сингари анчоқлар юзлик дидли аёлларимизга маъқул тушмоқда.

Ишчи социалистик мусобақа асосида ташкил этган деҳ ишчилари февраль ойи тошири-

гини ҳам мuddатидан олдин 102,5 процентга оид этиб, айни кунларда март ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Улар Халқаро хотин-қизлар байрамига 30 минг дон анчоқ тайёрладилар. Ақида Айирмухамедова, Зухра Махдумова, Карима Яхъёева каби зарғарлар кунлик тошириқларини 130-150 процентга етказиб, 8-Март байрамига эса 26 минг дон анчоқка сайқал беришга аҳд қилишган.

**М. ҲАКИМОВА.**

## УЧ КАВАТЛИ АВТОСТАНЦИЯ

Ҳадемай шаҳримизнинг халқлар дўстлиги кўчасида Иттифоқда энг йирик ҳисобланган автостанция қурилишига кўл урилади. Лойиҳа бинояи, автостанция бинояи уч каватли бўлиб, унда 63 фаслида ва йишда ҳаво муътадил салқилади.

Автостанция зал ичюнда шина бўлади. Ҳар бир район ва шаҳар кассалари алоҳида-алоҳида жойлашади. Дам олиш хоналари, юк салқаш хоналари ва бошқа хизмат кўрсатиш бўлимлари ташкил қилинади.

Лойиҳа комплексига кўра автостанция атрофида 200 ўрнили меҳмонхона ва ресторани ҳам қурилади. Автостанция шу беш йилликда қуриб битказилади.

## ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

Буқа районидagi Мичурин номидаги колхоз аъзолари ўз меҳнатларидан келатган даромад ҳисобига ўз қишлоқларини тобора обод қилмоқдалар. Сўнгги пайтда бу ерда янги тилда солинган турар-жой биноялари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бунёдга келди.

Колхоз хонадонларига газ ва телефон ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу кунгача хонадонларнинг 70 проценти тўла газлаштириб бўлинди. Янгида 40 тоқали телефон станцияси қурилиб, фойдаланишга тоширилди. Шунингдек, 200 ўрнили мақта бинояи ҳам қўлдан чиқарилди. 8,5 километр йўл асфальтланди.

## ТУКИН ДАСТУРХОН

Бу йил областимиз шаҳар ва қишлоқларида умумий овқатланиш корхоналари сонини яна ҳам кўпайди: тузуб қўйилган лойиҳага бинояи Бўстонликда 200 ўрнили кафе ишга туширилади. Тўйхона ва Буқада ҳар бир 150 ўрнили ошхоналар фойдаланишга тоширилади.

# ДУНЁ ОВОЗИ

## ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

**КХДР ҚИШЛОҚ ҲУЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ**

ПХЕНЬЯН, 16 февраль. (ТАСС). Бу ерда Корея қишлоқ ҳужалик меҳнаткашлари союзининг иккинчи съезди бўлмоқда. Корея қишлоқ ҳужалик меҳнатчилари союзининг марказий комитетининг раиси Ким И Хун ҳисобот доклады қилди. У ўз докладыда шу ташкилотнинг ўтган етти йил ичидаги ишига яқин ясади. Ким И Хун аграр масалани ҳал қилишда КХДР эришган


**ЭКВАДОРДА ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ**

ГАВАНА, 16 февраль. (ТАСС). Эквадорда давлат тўнтарини юз берди. Пренса Латина агентлиги Китодан хабар беришча армия кўмондон бригада генерали Гильеро Родригес Лара бошчилигида бир гурупа ҳарбийлар Эквадор президенти Хосе Веласко Ибаррани лавозимидан четлатганлар.

## “АС-САУРА” ГАЗЕТАСИНING ЁЗГАНЛАРИ

БАҒДОД, Ироқ Араб социалистик уйғониш партияси (БААС) регионал раҳбарлиги бош секретарининг ўринбосари, Ироқ Республикаси революцион кўмондонлиги кенгаши раисининг ўринбосари Садам Хусайн бошчилигидаги Ироқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турганлиги Ироқ жамоатчилигининг диққат марказида турибди.

«Ас-Саура» газетаси Ироқ билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона алоқалар империализм, сионизм ва реакциларни қарши умумий кураш асосида кенгайтириш ва ривожлантириш борюқда, деб ёзади.



## АГРЕССОРНИНГ ДАЪВОЛАРИ

ВАШИНГТОН, (ТАСС). АҚШда турган Исроил мудофиа министри М. Даян Америка телевидениесининг «мамлакат билан юзма-юз» деган программасида сўзга чиқди. Унинг айтган гаплари Тель-Авивнинг босиб олган араб территорияларини аннексиация қилиб олиш планларини ва Исроилнинг ҳужумдор доралари Янги Шарқ проблемасини тинч бартараб қилишга кўзаланишини истамаётганиларини исботлаб берди. Даян Исроил ҳар қандай ҳолат ҳам Куддусни ўз назорати остида сақлаб туриш ниътида эътилозликни айтди. Исроил, деди Даян, Араба қўлтигидаги Эвлат портига олиб борадиган сув йўлини назорат қилиб туришга имкон берадиган Жўлон тепалиқларини ва Шарм-Аш-Шайхни ўз қўлида сақлаб қолниш лозим. Нордан дарёсининг гурб соҳили бунда Иорданиядан тортиб олинган ерларга нисбатан Исроил мудофиа министрининг қилган даъволари ҳам сурбетидан қўлишмайдиган даъволар бўл-

ди. Даян Сувайш канали соҳилини оккупация қилиб турган Исроил куролли кучлари тўғрисида гапириб, «бу чизикни биз ўзимизнинг энг яхши мудофиа чизигимиз» деб ҳисоблаймиз, деди.

Исроил министри ўзининг аннексиациялик позициясини «мустаҳкамлашга» уриниб, АҚШнинг Исроилга бераётган ҳарбий ерданини рўнақ қилди. У «АҚШ ҳарбий балансини сақлаб туриш ва бизни қурола роғлар билан таъминлаш мажбуриятини олган» деб эълолатиб ўтди.

## ПЕКИНГА БОРАДИГАН АМЕРИКА ДЕЛЕГАЦИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Оқ уй ХХРга борадиган АҚШ делегациясининг составини эълон қилди. Давлат секретари У. Рокерс, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ердан чиси Г. Киссинжер, президентнинг ҳарбий масалалар бунда бригада генерали Б. Скауэррофт, матбуот масалалари бўйича секретарь Зиглер ва бошқа кишилар президент Р. Никсонга ҳамроҳ бўладилар.



Сиз суратда кўриб турган 17 йашознинг бу қиз қизинда самолет халокати вақтида тасодифан омон қолди. Юлиане Келле онаси билан Лимадан Пуналуға учиб кетаётганда самолёт ёниб кетди. Самолёт 2000 метр баландликда қилин ўрмонлар устидан учиб борарди. Кучли портлаш қизни ўринди. Ғи билан биргаликда ташқарига Улоқтириб ташлади. Қиз ҳушига келганда узини тропини ўрмонда ёлғиз қўрди. Келле оғир жароҳатланганлигига қарамастан тўққиз сутка йўл босиб ниҳоят одамлар йишайдиган жойга етиб келди. Суратда: со. фалетган Юлиане ўз отаси билан. ТАСС фотохроникаси.

## ИСПАНИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ КУРАШИ

МАДРИД, 16 февраль. (ТАСС). Испания меҳнаткашлари забастовка курашини авж олдириб юбордилар. Мамлакатда натааллиги ва аҳамияти жиҳатдан иккинчи ўринда турган санат маркази Барселонада «Сименс ва Пирелли» заводларининг тўрт минг илчиси забастовка эълон қилди. Маҳаллий университет қурилишида ишлаб турган 450 илчиси стачкаси давом этмоқда. Барселона ёнидаги Сабадель шаҳарчасида «Куадрас» фабрикасининг тўқмачилари иш ташлади. «Фениксбор» заводининг металлургия қисқа мuddатли забастовка ўткази-

ди. Барселонадаги «Сеат» автомобил заводининг ишчилари бир неча марта стачоқларини ташлаб чиқиб, кўча намойишларида қатнашдилар.

Иш ташлаган ишчилар иш ҳақини оширишни, меҳнат шартини яхшилашни, хавфсизлик техникасига риоқ қилишни талаб этмоқдалар, қимматчилик кучайиб бораётганлиги ва ҳужайинларнинг ўзбошимчилиги, полициячиларнинг раҳмисизлиги қарши чиқмоқдалар. Полициячилар намойиш қатнашчиларига ва ишчиларнинг соқиларига қарши қўздан ёш оқизадиган газ, ҳатто қурол ишлатмоқдалар.



